

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФУРОВ БАХТИЁР ЗАКИРОВИЧ

ОТНИНГ СЕГМЕНТ ФОНОСТИЛИСТИКАСИ ТАВСИФИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ЧОҒИШТИРМА ЎРГАНИЛИШИ(РУС, ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ
ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological sciences**

Гафуров Бахтиёр Закирович

Отнинг сегмент фоностилистикаси тавсифининг қиёсий-чоғиштира
ўрганилиши (рус, ўзбек, инглиз тиллари материаллари асосида).....3

Гафуров Бахтиёр Закирович

Сравнительно-типологическое изучение характеристик сегментной
фоностилистики существительного (на материале русского, узбекского,
английского языков).....22

Gafurov Bakhtiyor Zakirovich

Comparative typological study of the characteristics of segmental phonostylistics
of the noun (on the basis of the Russian, Uzbek and English languages)..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФУРОВ БАХТИЁР ЗАКИРОВИЧ

ОТНИНГ СЕГМЕНТ ФОНОСТИЛИСТИКАСИ ТАВСИФИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ЧОҒИШТИРМА ЎРГАНИЛИШИ(РУС, ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ
ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Fil849 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қамбаров Носир Мансурович

филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қосимова Нафиса Фарходовна

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Сапарова Қундуз Отабоевна

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» сентябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31 рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2020 йил «02» сентябр куни тарқатилди.
(2020 йил «02» сентябр даги 07 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М.Жўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида охириги йилларда тил луғавий бирликларининг функционал-услубий хусусиятлари иерархияси тилшуносликнинг барча сатҳлари, жумладан, фонетика, лексикология, морфология, синтаксис кесимида ўрганилмоқда. Коммуникатив вазиятда сўз ва сўз бирикмалари талаффузининг ғайрилисоний воқеликни акс эттириши ва фоновариантларнинг юзага келишига кўмаклашиши асносида ўзгаришларга дуч келиши лингвистик изланишларни фонетик аспектда катта услубий имкониятга эга бўлган лисоний бирликлар тадқиқиғайўналтиришни тақозо этади. Фонетика ва стилистика соҳалари кесишувида юзага келган фоностилистика ва унинг таркибий қисми ҳисобланган фоновариантларнинг турли тизимли тиллар асосида воқеланиши ва қўлланишини қиёсий-типологик таҳлил қилиш ва назарий асосларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзининг объектив илмий ечимини кутмоқда.

Дунё замонавий тилшунослигида, жумладан, сегмент фоностилистика соҳасида тил унсурларининг параллел қўлланиши ҳамда услубий бўёқдорлик турларининг шаклланишида иштирок этадиган от сегмент бирликлари характерини аниқлаш, турли коммуникатив вазиятларда фонетик воситаларнинг прагматик қўлланиш шарт-шароитларини белгилаш билан боғлиқ тадқиқотлар, асосан, бир тил доирасида амалга оширилган. Шу нуқтаи назардан рус, ўзбек ва инглиз тиллари от сўз туркуми сегмент фоностилистик вариантларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш, лисоний ва нолисоний омилларнинг ўзаро таъсири контекстида ҳар учала тилнинг бадиий, публицистик ва сўзлашув дискурсида фоновариантлар қўлланишининг параметрларини белгилаш, шунингдек, луғатларда от сегмент фоновариантларининг услубий бўёқдорлигини аниқлаш масалалари долзарблик касб этади. Бу, ўз навбатида, уч тил асосида фоновариантларнинг ҳосил бўлиш механизмини асослаш ва илмий баҳолаш, уларни лингвистик талқин қилиш, коммуникация жараёнида дискурс яхлитлиги динамикасини ўрганиш ва коммуникатив вазиятнинг ғайрилисоний хусусиятларини очиб беришга имкон яратади.

Юртимиз тараққиётининг янги босқичида жаҳон миқёсида халқлар билан ҳар томонлама халқаро алоқаларнинг ўрнатилиши ўз-ўзидан давр талабига айланди. «Келгусида биз инглиз ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўрганишга катта аҳамият беришимиз зарур. Шунинг унутмаслигимиз керакки, халқимизнинг интеллектуал ва маданий салоҳияти чиндан ҳам бебаҳо бойликдир ва шу асосида иқтидорли ёшларга таълим бериш жуда муҳимдир. Ушбу ёндашув туфайли ривожланган давлатлар ҳозирги юқори даражага кўтарилди»¹. Ёшларимиз ўртасида маданият ва маънавиятни ривожлантириш, инновацион фаолиятни такомиллаштириш вазифаси фундаментал

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь Олий Мажлисидаги нутқи// Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.12, 71.

илмий фанлар, жумладан, тилшунослик, қиёсий фоностилистика соҳаларида янгича изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 08 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 декабрдаги 1037-сон «Республика олий таълим кенгаши тўғрисида Низом» қарорига 2-илова, 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рус ва инглиз тилшунослигида фоностилистиканинг умумий ва ўзига хос муаммоларини ўрганишга доир кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган. Бундай ишлар жумласига Л.В.Шерба, Р.И.Аванесов, М.В.Панов, Л.Р.Зиндер, Н.М.Шанский, Л.В.Бондарко, В.М.Кожина, Г.А.Баринава, Е.А.Брызгунова, Л.А.Вербицкая, В.Лабов, Д.Хадсон, Р.Тружил, Д.Ньюменс каби олимларининг ишларини киритиш мумкин². Ўзбек тилшунослигида ҳам ўзига хос фоностилистик тадқиқотлар мактаби анча ривожланган. Жумладан, А.А.Абдуазизов, Э.Р.Қиличев, М.Жусупов, О.К.Сапарова, А.А.Ҳайдаров, Г.Т.Яхшиева, Н.М.Қамбаровларнинг олиб борган тадқиқот ишлари шулар сирасидандир³.

²Шерба Л.В. Фонетика французского языка.–М.:Высшая школа, 1953. –302с.; Аванесов Р.И. Русское литературное произношение. –М.:Просвещение, 1984. –384 с.; Панов М.В. О стилях произношения в связи с общими проблемами стилистики // Развитие современного русского языка. –М., 1963. –С.15-37.; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. - М.:Высшая школа, 1979. –312 с.; Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.:Просвещение, 1983. –224 с.; Шанский Н.М. Стилистика русского языка. –Л.: Просвещение, 1989. –223 с.; Бондарко Л.В. и др. Стили произношения и типы произнесения // Вопросы языкознания.– М., 1974. №2. – С.65–75.; Брызгунова Е.А. Звуки и интонация русской речи. – М.: Русский язык, 1977. –279 с.; Баринава Г.А. Фонетика русской разговорной речи: сегментные единицы.: Автореф. дисс...канд. филол. наук. –М., 1970. –23 с.; Вербицкая Л.А. Орфоэпия и вопросы культуры речи // Прикладное языкознание –Санкт-Петербург, 1996. –С. 34-54.; Labov W. Principles of Linguistic Change. Vol 1: Internal Factors. –Oxford, 1994. – 664 p.; Hudson D. Sociolinguistics. 2nd ed. –Cambridge University Press, 1998. –294 p.; Trudgill P. Sociolinguistic Patterns in British English. –London, 1978. –216 p.; Hymes D. Foundation Of Sociolinguistics: An Ethnographic Approach. – Philadelphia, 1974. –245 p.

³Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 136 б.; Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 104 б.; Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Ташкент: Фан, 1991. –120 с.;Камбаров Н.М. Фоносемантические средства английского языка и их соответствия в узбекском языке.: Дисс...канд. филол. наук. –Ташкент, 1990. –149 с.; Сапарова К.О. Фоностилистика русского и узбекского языков. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 273 с.;Яхшиева Г.Т.Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номз. ...дисс. –Т., 1997. –40 с.

Рус тилшунослигида сўздаги вариантлик ҳодисаси А.И.Смирницкий, В.В.Виноградов, О.С.Ахманова, К.С.Горбачевич, Л.К.Граудина, В.М.Солнцев, А.Г.Шереметьева сингари тил билимдонлари томонидан ўрганилган⁴.

Бироқ К.О.Сапарова ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Замонавий тилшуносликда мавжуд бўлган фоностилистика соҳасидаги кам сонли тадқиқотлар, асосан, монолингвал хусусиятга эга”⁵. Айтиш жоизки, уч тил–рус, ўзбек ва инглиз тиллари доирасида отнинг сегмент фоностилистикасини қиёсий ўрганиш шу кунга қадар монографик тадқиқот сифатида махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Замонавий тилшуносликда фоностилистиканинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отлар сегмент фоностилистик вариантларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий-типологик аспектда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

рус, ўзбек ва инглиз тилшунослигидаги тил ресурслари услуби бўлими сифатида сегмент фоностилистиканинг муаммо ва йўналишларини белгилаш;

рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги от талаффузи вариантлари стилистик бўёқдорлигининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини шакллантириш;

бадий матн, публицистика ва оғзаки нутқда рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отлар фоновариантларининг ишлатилишини қиёсий-типологик таҳлил қилиш;

замонавий рус, ўзбек ва инглиз луғатларида отларнинг фоностилистикасини акс эттиришдаги ўхшашлик ва фарқларни таҳлил қилиш;

луғат белгиларига асосланган ҳолда рус, ўзбек ва инглиз тилларида отларнинг талаффузи эволюциясини таҳлил қилиш ва тавсифлаш;

хар учала тилдаги отлар сегмент вариантларининг бадий адабиёт ва публицистикада қўлланишини стилистик жиҳатдан тавсифлаш ва таснифлаш; шу асосда бир-бирига қариндош бўлмаган тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини фоностилистика нуқтаи назаридан аниқлаш.

⁴Смирницкий А.И. Лексикология английского языка.–М.: Иностранная литература, 1956. –260 с.; Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. –М.: Высшая школа, 1981. –320с.; Ахманова О.С. Фонология. Морфонология. Морфология. –М.: Наука, 1969. –108 с.; Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. На материале современного русского языка. –Л.: Наука, 1978. –238 с.; Граудина Л.К. и др. Грамматическая правильность русской речи: Опыт частотно-стилистического словаря вариантов. — М.: Наука, 1976. –455 с.; Солнцев В.М. Вариантность как общее свойство языковой системы // Вопросы языкознания. –М., 1984. –С. 34- 42.; Шереметьева А.Г. Лексико-грамматическая вариантность в русском языке (синхронно-диахронический аспект).:Автореф. дисс...докт. филол. наук. –Т.: НУУз, 2001. –35 с.

⁵Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов).: Автореф. дисс...докт. филол. наук. –Т.: УзГУМЯ, 2009. –С.4.

Тадқиқотнинг объекти сифатида рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отларнинг сегмент фоновариантлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отларнинг талаффуз вариантлари стилистик бўёғининг луғатларда акс этиши, унинг бадиий нутқ ва публицистикада қўлланиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, компонент таҳлил, дистрибутив, қиёсий-типологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фоностилистиканинг сегмент(товуш ва товуш birlikлари) йўналиши кесимида рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги фоностилистик хусусиятларнинг сўз вариантлари ясалишида унли ва ундош фонемаларнинг ўрин алмашиши каби *умумий* васўз ясовчи қўшимчаларнинг иштироки каби *хусусий* типологик қирралари асосланган;

илк марта рус, ўзбек ва инглиз тиллари луғатларидаги отларсегмент фоновариантларининг бадиий адабиётда тарихий давр, ижтимоий мавқе, ёшдаги тафовут, психологик жараён каби ҳолатларни ифодлашда стилистик бўёқ касб этиши сифат ва миқдор аспектларда аниқланган;

учала тилдаги отлар сегмент талаффуз вариантларининг бадиий адабиёт ва публицистикада қўлланишининг стилистик тавсифи, қўлланиш контекстива нутқ вазияти таъсирида вазифа алмашинуви содир бўлиши исботланган;

рус, ўзбек ва инглиз тилларилуғатлари пометаларида келтирилган отлар фоновариантларининг бадиий нутқ, содда сўзлашув, публицистик каби услубларга хос талаффуз меъёрларининг нейтрал, субъектив, контекстуал шаклланиш хусусиятлари ва уларнинг бирламчи ва иккиламчи қўлланиш соҳалари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

рус, ўзбек ва инглиз тилларининг изоҳли луғатларида берилган отларнинг 1500га яқин талаффуз вариантлари қиёсий ва статистик жиҳатдан асосланган; тематик гуруҳлар ҳамда кичик гуруҳларга бўлиниб, улардан тилшунослик соҳаси тизимида ва амалиётда қўллаш мумкинлиги исботланган;

таҳлил қилинган учала тилда отларнинг талаффуз вариантларини ва уларнинг стилистик бўёқлари турларини шакллантиришда иштирок этадиган сегмент birlikларининг табиати, шунингдек, замонавий рус, ўзбек ва инглиз адабий тиллари луғатларида стилистик бўёқдорликнинг акс этиш усуллари ва турлари таҳлил қилинган ва шу асосда махсус курслар бўйича машғулотларни ташкил этиш ва ўқув адабиётларини яратиш учун методик таъминот базаси шакллантирилган;

рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги от фоновариантларининг қисқача луғати тузилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп

этилган мақолалар, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рус, ўзбек ва инглиз тиллари фонетикаси, стилистикаси, фоностилистикаси, лингвомаданиятшунослик бўйича назарий манба яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, махсус курслар учун қўшимча материаллар беришда, рус, ўзбек ва инглиз тилларининг замонавий академик ва ўқув луғатларини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар турли қурилишли тилларга хос хусусиятларнинг нутқий воқеланиши натижаси бўлган фоностилистик концептуал майдонни тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукаммаллаштириш, стилистикага оид маълумотларни бойитишда кенг фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, аниқланган нутқий фоностилистик концептуал майдонлар таржима жараёнида фикрни тўғри, теран, таъсирчан қилиб етказиш ҳамда бу борада рус, ўзбек ва инглиз тиллари фоностилистик хусусиятларининг ранг-баранглигини намоён этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий натижалардан рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отларнинг сегмент фоновариантларини ўрганиш жараёнида олинган хулосалар асосида:

рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отларнинг бир-биридан стилистик бўёқдорлиги билан фарқ қилувчи сегмент вариантлари таснифига оид хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг маърифат ривожидagi ўрни” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3769-сон маълумотномаси). Натижада рус, ўзбек ва инглиз тилларида от фоновариантларининг оғзаки нутқ ва бадий адабиётда қўлланилиш моҳияти, уларнинг ўзига хос стилистик бўёқга эга эканлигига аниқлик киритилган;

сўзнинг фонематик таркибини ўзгартириш ва товушларни қайта тартибга солиш орқали фарқланадиган отлар фоновариантларининг таҳлиliga оид хулосалардан Д.А.Абдуллаева ва Ш.Х. Самиева ҳаммуаллифлигидаги “Рус тили (ўқитувчилар, академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун)” дарслигини ёзишда; М.Б.Файзуллаев, Н.Н.Розиқова ва бошқалар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Ўзбек адабиёти болалар учун (рус тили таълим йўналишидаги мактабгача ва бошланғич таълим ўқитувчилари ва талабалари учун)” дарсликни ёзишда асос бўлиб хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3769-сон маълумотномаси). Натижада илмий иш материали билан ўқув қўлланмаларининг иллюстратив ва грамматикага боғлиқ қисмлари мазмуни бойитилган;

тилнинг типологик хусусиятлари вариантларининг турлари ва ўзига хос хусусиятлари, рус тилининг флектив характерга эга бўлганлига ва морфологик вариантларда род категориясига тегишли вариантларнинг мавжудлиги билан боғлиқ хулосалардан Бухоро шаҳридаги “Рус маданий маркази”да (РММ) Бухоро вилоятидаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқитувчилари учун “Рус тилшунослигидаги сегмент фоностилистикасини ўрганишнинг долзарб муаммолари” (2019 йил 12 сентябрь) мавзусида семинар ўтказишда фонетика ва стилистика бўйича илмий ишнинг назарий асосларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси “Рус маданияти маркази”нинг 2019 йил 24 декабрдаги 02-213-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро вилоятидаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқитувчилари олган кўникма ва билимлар рус тилининг фонетикаси ва стилистикасини ўқитиш учун асос бўлиб хизмат қилди;

рус, ўзбек, инглиз тилларида отлар вариант шакллариининг морфологик сатҳда параллел ишлатилиши билан боғлиқ хулосалардан ва диссертациянинг амалий қисмига тегишли бўлган фактик материаллардан 2018-2019 йилларда №ST.FU7-2933 “Шарқ ва Осиё мамлакатларидан келган талабаларга инглиз тилини ўқитишнинг инновацион методлари” номли фундаментал илмий лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш жараёнида АҚШнинг Орегон давлат университетидоктори (PhD) Мэгги Пауэрс фойдаланган (АҚШ, Орегон давлат университетининг 2020 йил 01 февралдаги маълумотномаси). Натижада Шарқ ва Осиё мамлакатлари талабаларини инглиз тилига ўқитишда фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасининг мақсад ва вазифалари асос бўлиб хизмат қилган;

рус, ўзбек ва инглиз тиллари сегмент фоновариантларини этимологик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш ва ҳар бир тилда миллий-концептуал ва тил-нутқ хусусиятларининг мавжудлиги таҳлиliga доир хулосалардан “Ўзбекистон” телеканалининг “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Тил ва таракқиёт” кўрсатувларини тайёрлаш жараёнида, суҳбат уюштирилиб, телевизион дастурларнинг мазмуни от фоновариантларига доир стилистик фактлар билан бойитилган (ЎзМТРКнинг 2019 йил 21 октябрдаги 04.04-2174-сон маълумотномаси). Натижада томошабинларга тилни ривожлантиришда рус, ўзбек ва инглиз тиллари отлари сегмент фоностилистик фоновариантларининг аҳамияти ва роли тўғрисида қимматли маълумотлар бериш орқали кўрсатувлар савиясининг оширилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари 23 та илмий нашрларда ўз аксини топган, жумладан, 15 таси республика ва 4 таси PhD диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг асосий матни 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фоностилистика муаммолари ва йўналишлари нутқнинг услубий ресурси сифатида”** деб номланувчи биринчи бобида фоностилистиканинг умумий жиҳатлари ўрганилган ҳамда ушбу масалага рус, ўзбек ва инглиз тиллари доирасида муносабат билдирилган. Жумладан, бобнинг биринчи параграфи **“Рус тилшунослигида фоностилистикани ўрганиш муаммолари”** мавзусига бағишланган бўлиб, унда стилистика рус тилшунослигида ХХ асрнинг 50-йилларидан бошлаб анъанавий ўрганиш мавзусига айланганлиги алоҳида қайд этилган.

Замонавий рус тилининг фоностилистикаси (ёки талаффуз стилистикаси, стилистик фонетикаси, фонетик стилистикаси) муаммолари Л.В.Шерба, Л.Р.Зиндер, Л.В.Бондарко, К.С.Горбачевич, Р.И.Аванесов, М.В.Панов, М.Н.Кожина сингари олимларнинг илмий ишларида ёритилган⁶.

Фоностилистика, одатда, сўзлар ва иборалар талаффуз вариантларининг экспрессивлик хусусиятларини, турли соҳаларда ва мулоқот вазиятларида фонетик воситаларнинг ишлаш қонуниятларини ўрганадиган стилистиканинг бир қисми сифатида ажралади.

Фоностилистика бўйича тадқиқотлар бир неча йўналишда олиб борилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: нутқнинг ҳиссиётлилиги муаммосини ўрганиш; талаффуз услубларини ўрганиш (ёки фонетик услубларни); оғзаки нутқнинг турли жанрлари ва турларини фонетик жиҳатдан ўрганиш; социолектлар и идиоуслубларни ўрганиш; товуш символизмини ўрганиш; бадий матнни ўқишнинг фоностилистик хусусиятларини аниқлаш⁷.

⁶Шерба Л.В. Фонетика французского языка.–М.: Высшая школа, 1953. –302 с.; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. –М.: Высшая школа, 1979. –312 с.; Бондарко Л.В. и др. Стили произношения и типы произнесения // Вопросы языкознания. –М., 1974. – №2. –С.65–75.; Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. На материале современного русского языка. –Л.: Наука, 1978. –238 с.; Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. –М.: Просвещение, 1989. –208 с.; Аванесов Р.И. Русское литературное произношение. –М.: Просвещение, 1984. –384 с.; Панов М.В. О стилях произношения в связи с общими проблемами стилистики // Развитие современного русского языка. –М., 1963. –С. 15-37.; Панов М.В. История русского литературного произношения ХУП–ХХ вв. –М.: Наука, 1990. –453 с.; Кожина М.Н. Стилистика русского языка. –М.: Просвещение, 1983. –224 с.

⁷Нурахметов Е. Проблемы супraseгментной фоностилистики (на материале французского языка): Автореф. дисс... докт. филол. наук. –М., 1997.–С. 12-14.

Оғзаки нутқнинг стилистик таҳлилида фоновариантлар ва талаффуз услублари масаласи муҳим ўрин тутди. Фонетикада стилистик жиҳатдан нейтрал ва стилистик бўёқдорликка эга талаффуз вариантлари фонетик вариантлар ёки фоновариантлар деб номланади ва талаффуз услубларини шакллантиришда иштирок этади, улар, умуман, тилнинг стилистик фарқланиши билан боғлиқ бўлган талаффузнинг турлари сифатида (айниқса, луғатдаги стилистик фарқлар билан) ва экспрессив бўёқнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан ажралиб туради.

Талаффуз услубини шакллантиришда товуш ва просодик бирликлар иштирок этади. Шу нуқтаи назардан замонавий фоностилистика иккита алоҳида бўлимга ажралган: сегмент фоностилистикаси, яъни сегмент товуш бирликлари (фонемалар)нинг стилистик хусусиятларини, суперсегмент(ёки просодик) фоностилистикаси эса суперсегмент бирликларнинг стилистик хусусиятларини ўрганади.

Ушбу диссертация олдида қўйилган вазифаларга нисбатан сегмент фоностилистикасини ўрганиш долзарб ҳисобланади, лекин рус тилида сўз урғусининг ўзгариши, яъни фонетик таркибнинг вариацион ўзгариши билан узвий боғлиқ, шунинг учун ушбу фонетик вариантлар биргаликда кўриб чиқилади.

Биринчи бобнинг “Ўзбек тилшунослигида фоностилистикани ўрганиш муаммолари” номли иккинчи параграфида стилистика ўзбек тилшунослигининг ривожланган йўналишларидан бири эканлиги таъкидланади. Ўзбек тилининг фонетик воситалари стилистик хусусиятлари муаммолари А.А.Ҳайдаров, К.О.Сапарова, Г.Т.Яхшиева сингари олимларнинг тадқиқотларида бевосита ўрганилган.

Э.Р.Қиличев айтишича, “санъат асарлари қаҳрамонларининг талаффуз қилиши уларнинг маълумоти, ижтимоий мавқеи ва миллатидан далолат беради...Шева ва чет тилларидан келиб чиққан сўзлар қаҳрамонлар талаффузига мувофиқ ёзилади”⁸. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир миллат вақилининг ўзлигини кўрсатиб турувчи унсурлардан бири унинг талаффузи ҳамдир.

Г.Т.Яхшиеванинг “Ўзбек тилидаги фонографик стилистик воситалар” (1997) номли диссертациясида муаллиф унли ва ундош фонемаларнинг параметрларини тасвирлаб беради, ўзбек нутқида сўзлар таркибидаги унли ва ундошлар ёрдамида экспрессив-эмоционал бўёқни акс этиришнинг имкониятлари ниҳоятда кенг ва ранг-баранглигини прагматик жиҳатдан асослайди. Муаллиф фикрича, ўзбек тилида “фонетик чўзиқлик стилистик аҳамиятга эга ва у бир қатор фонетик ҳодисалар билан боғлиқ”⁹.

А.А.Ҳайдаровнинг таъкидлашича, “фоностилистика кенг камровли изланишларга эга ва уни туркологияда, хусусан, ўзбек тилшунослигида

⁸Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. –Тошкент,1985.–С. 92.

⁹Яхшиева Г.Т.Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номз. ...дисс. –Тошкент, 1997. –С.11-12.

ўрганиш эндигина бошланмоқда...Ушбу соҳада олиб борилаётган изланишлар ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидандир”¹⁰.

А.А.Абдуазизов фоностилистика соҳасини синхрония ва диахрония нуқтаи назаридан ўрганиш кераклигини таъкидлайди¹¹. Ўзбек тилига нисбатан шевага хос сўзлар фоновариантлар манбаи сифатида долзарб бўлиб қолмоқда, шунинг учун отнинг сегмент фоностилистикаси соҳасидаги чуқур тадқиқотлар диалектологиянинг долзарб муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши мумкин.

Ўзбек тилшунослигида амалга оширилаётган замонавий назарий ишларда фоностилистиканинг предмети ва вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилган. Фоностилистика, табиийки, фонетик ҳодисаларнинг стилистик ва прагматик аҳамияти, коннотацияларни ўрганиш билан, фоносемантика (товуш символикаси) билан боғлиқ. Адабиётга нисбатан фоностилистик таҳлил алоҳида муаллифлар ижодининг алоҳида-алоҳида услубий ўзига хосликларини очиб бериш нуқтаи назаридан қаралади. Зеро, кузатишларда фоностилистика барча лингвистик сатҳлар билан узвий алоқадорликда эканлиги яққол сезилади.

Бобнинг “Инглиз тилшунослигида фоностилистикани ўрганиш муаммолари”номли учинчи параграфда турли тил гуруҳларининг лингвистик тизимларини ўрганиш, замонавий жамиятда фаолият юритадиган тил типологик ва ўзига хослигини аниқлаш социолингвистларга нафақат тилнинг ижтимоий табақаланиши бўйича янги маълумотларни олиш, балки аввалги қарашлардан воз кечишдир. Масалан, АҚШда Буюк Британиядан фарқли ўлароқ, нутқнинг ижтимоий нуфузига камроқ эътибор қаратилади¹². Инглиз тилшунослигида фоностилистика муаммолари, аввало, шу тилнинг кўп вариантли этник шакллари билан боғлиқликда ўрганилган.

Фоновариантлар масаласи кун тартибидан олиб ташланмайди, бу, бир томондан, инглиз тилининг ҳудудий ва ижтимоий шеваларининг мавжудлиги, иккинчи томондан, тил стандартларининг тобора кўпроқ оғзаки тил соҳасига кириб бориши билан боғлиқ.

Умуман, социолингвистик жиҳат қаторида фоностилистика соҳаси ҳам америка ва инглиз тилшунослиги учун ўта долзарб. Бу жуда асосли, чунки бунда сўзловчининг ижтимоий мақоми, касбга мансублигини ва таълим даражасини аниқлашда муайян фоностилистик вариантлардан фойдаланилади. Инглиз тилшунослигида нутқий мулоқот маданиятини ўқитиш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган сегмент фоностилистикаси муаммоларига катта эътибор берилади.

Инглиз тилига нисбатан фоностилистик масалаларнинг ўзига хослиги бу тилнинг миллий вариантлари, ҳудудий ва ижтимоий диалектларнинг мавжудлиги ҳамда ёшлар жаргонининг кенг тарқалиши билан белгиланади.

¹⁰Хайдаров А.А. Канотатив маънонинг фонетик воситаларида ифодаланиши.: Дисс... канд. филол. наук.– Ташкент, 2009. – 136 с.

¹¹Абдуазизов А. А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1985.– С.24-28.

¹²Hudson D. Sociolinguistics. 2nded. Cambridge UniversityPress, 1998. –С. 2.

Ваҳоланки, фоностилистика турли тил мактабларида лингвистика фани сифатида биз ўрганаётган тилларга нисбатан турлича даражада ўрганилиши билан ажралиб туради, бу эса, маълумки, турли тил оилаларига ва турли тил турларига мансубдир. Бу эса фоностилистик муаммоларни ўрганишга контрастли-типологик ёндашувдан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Рус, ўзбек ва инглиз тиллари отларининг фоновариант шакллари ва турлари”** деб аталади. Бобнинг биринчи параграфи “Тилшуносликда вариантлик тушунчаси. Сўз вариантлари турлари”да таъкидланишича, вариантлик ҳозирги кунда барча тил сатҳларида ўзига хос бўлган ва жонли тилларнинг узлуксиз ривожланишини таъминлайдиган тилнинг объектив хусусияти сифатида қараладиган лингвистик ҳодисадир.

С.О.Карцевскийнинг тил белгиси ассиметрик дуализми ҳақидаги қараши тилшуносликда умумий қабул қилинади. С.О.Карцевскийнинг ғояси тил белгиси компонентларининг беқарор мувозанати ғоясини илгари суришдан иборат¹³. Намоён бўлишнинг ҳар қандай шаклида, нутқ ва матнда имо-ишора ва ишоранинг мувозанати бузилиши мумкин, бу эса тил белгиси ва ўзгарувчанлигининг умуман ўзгариш манбаи бўлиб хизмат қилади. Рус тилида лексик ва грамматик вариантнинг монографик тавсифига А.Г.Шереметеванинг докторлик диссертацияси бағишланган¹⁴.

К.С.Горбачевич сўз вариантнинг қуйидаги таърифини беради: “сўз вариантлари мунтазам равишда бир хил сўзнинг модификацияларини қайта ишлаб, морфологик ва сўз ҳосил қилувчи таркибини, лексик ва грамматик маънонинг идентификациясини сақлаб қолади ва фонетик томондан фарқ қилади (товушлар талаффузи, фонемалар таркиби, урғу ўрни ёки бу хусусиятларнинг комбинацияси), сўз ясовчи қўшимчалар (суффикслар, флексиялар)”¹⁵.

Турли хил вариантларни аниқлашга кенг ва тор ёндашув мавжуд. Биз кенг, анъанавий ёндашувни қабул қилдик, унда сўзларнинг қуйидаги турлари мавжуд: семантик вариантлар (кўп маъноли сўзларнинг маъноси) ва фонемалар, яъни морфологик вариантларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ фонетик (акцент, фонематик, талаффуз) вариантлари. Биринчи турдан ташқари, қолган бошқалари расмий ёки расмий-семантик вариантлардир (сўз ҳосил қилувчи вариантлар), чунки улар сўз таркибининг товуш ўзгариши билан боғлиқ; кўп ҳолларда, ўзгариш вариантларнинг услубий фарқланиши билан бирга келади, шунинг учун бу турдаги вариантларнинг барчаси фоностилистикага бевосита алоқаси бўлиши мумкин.

Морфонологик вариантлик сўз шаклланиши ёки морфологик вариантлик билан узвий боғлиқ, чунки морфонология сўз шаклланиши ва

¹³Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме языкового знака//В.А. Звегинцев. История языкознания в очерках и извлечениях. Ч.П. –М.: Учпедгиз, 1965. –С. 85-90.

¹⁴Шереметьева А.Г. Лексико-грамматическая вариантность в русском языке (синхронно-диахронический аспект): Автореф. дисс... докт.филол.наук. –Ташкент: НУУз, 2001. –35 с.

¹⁵Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. На материале современного русского языка. –Л.: Наука, 1978.–С. 17.

морфология тил структурасининг оралиқ бўғини ҳисобланади. Назарий жиҳатдан сўзда ўзгариш ҳосил бўлишининг чегаралари қатъий белгиланмаган, масалан, сўз ясовчи вариантлари, кўпинча, турли кўшимчаларга эга бўлган ўхшаш ясама сўзларни ўз ичига олади. Бу жуфтликларда сўз ясовчи формантлар бир хил сўз ясовчи маънони ифодалайди ва муҳим фонематик яқинлиги билан ажралиб туради.

Фикримизча, рус тилида жуда кўп бўлган бундай жуфтликларнинг вужудга келиши сунъий равишда вариантлик ҳудудини торайтиради. Юксак даражада ривожланган миллий адабий тилга нисбатан, унинг ривожланишида маълум бир нуктада меъёр ижтимоий шартланган ва ижтимоий онгли қоидалар тизими сифатида белгиланади.

Бобнинг иккинчи параграфи “Рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отларда фоновариантлик” деб номланиб, у учта кичик банддан иборат. Мазкур бобнинг биринчи кичик бандида рус тилидаги отларнинг фоновариантлиги ўрганилади. Қайд этилишича, рус тилида фоновариантликнинг муҳим манбаларидан бири ундошсиз ва тўлиқ ундош товушли вариантлар (-оро-, -оло-, -ере- / -ра-, -ле-, -ре-) ўртасидаги стилистик фарқдир. Масалан: *город, голова, молоко, дерево, берег / град, глава, млеко, древо, брег* вариантлари.

Бундай сўзларнинг келишмовчилик билан талаффуз қилиниши қадимги славян тилидан қолган бўлиб орфоэпик меъёрлари нуктаи назаридан эскирган деб тан олинади, гарчи улар кўпинча нутқнинг баъзи функционал турларида махсус стилистик мақсадлар учун ишлатилади. Масалан: *млеко, злато, глава, сребро, срединанинг* талаффузи XVIII аср охири - XIX аср бошларида китобий нутқ услубига хос бўлган ва шунинг учун бу давр адабий асарларида ўз аксини топган.

Ундошларнинг алмашилиши натижасида ҳосил бўлган отларнинг талаффуз вариантлари (фонематик вариантлар), қўлланилишида ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг баъзилари услубий жиҳатдан нейтрал ва тенгдир. Масалан: *матрац / матрас. В ближней [пещере] была ниша для спанья с соломенным матрацем.* (Л.Толстой, Отец Сергей).

Иккинчи боб иккинчи параграфнинг иккинчи бўлимида “Ўзбек тилидаги отларнинг фоновариантлиги” ёритилиб, унда қайд этилишича, ўзбек тилининг сегмент фоновариантлари шу тилнинг фонетик сатҳига мос равишда шаклланган ва XX аср ўзбек ёзувчиларининг бадиий асарларида кенг қўлланилган. Масалан: *Жарликни тарк этди* (О.Мухтор, Аёллар мамлакати ва салтанати); *Азизбек сипоҳлари ила жарга тушиди ва сув кечиб, ҳалиги теппага юзланди* (А.Қодирий, Ўткан кунлар). А.Маматов лексиканинг халқ тарихида тирик гувоҳ сифатида ўрин тутганини таъкидлайди. Олимнинг кузатишларига кўра, “шевага хос сўзларда олд тил лабланган [у] товуши олд тил лабланган [ў] товушига алмашади. Масалан: *суҳбат - сўҳбат, тухмат – тўхмат, муҳлат – мўҳлат*”¹⁶. Шундай қилиб, сўзларнинг шевага хос вариантлари талаффузининг таъсири ҳали ҳам ўзбек тили учун фоновариантлик манбаидир.

¹⁶Маматов А. Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. –Тошкент., 2009. –136.

Ўзбек тилидаги фоновариантлар жонли нутқда ҳам, бадий асар қахрамонлари нутқида ҳам фаол қўлланилади. Ўзбек тилида портловчи товушларнинг типик товушлар билан алмашилиши содир бўлиб, Фарғона водийси ва республиканинг бошқа бир қатор вилоятлари аҳолисининг шевага хос сўзлари фоновариантларни ҳосил қилади. Масалан: *Бойваччасундай деб, ўзгаларни юпатади ва бора-бора бой отага айланади* (Ў.Ҳошимов, Пул). *Тоштемур бойбаччани эшитгандирсиз!? Шохда ҳам бунча тилла йўқ; шунақа битган дейишади!* (О.Мухтор, Ффу). Ўзбек тилида кенг муомалада бўлган *дори* (аслига кўра, *дору*) сўзи форс тилидан олинган бўлиб, ҳар иккала вариантда кенг тарзда ишлатилади. *Дору* варианты бавосита Бухоро шевасига хос, лекин бадий ва сўзлашув нутқида юқори услуб белгиси сифатида ишлатилади: *Кигиз ҳар нарсага ҳам дори, тии заҳарини суради* (А.Қодирий, Обид кетмон); *Ёру биродарлик – умр доруси; дўстсиз кимнинг бағри бутун бўлади* (С.Ақбарий).

Иккинчи боб иккинчи фаслнинг учинчи бўлими “Инглиз тилида отнинг фоновариантлиги” деб номланган бўлиб, унда, асосан, инглиз фоновариантларнинг манбаи тилининг турли миллий стандартларининг мавжудлиги билан боғлиқлигига эътибор қаратилган. “Сўзларнинг бутун бир гуруҳи [ju] дан [u:] га ўтиш ёки [j] товушининг элиминацияси натижасида фонетик структурада ўзига хос ўзгариш юз берган сўзлардан иборат. Масалан, *stew* сўзининг луғатда иккита транскрипцияси бор: [stju:] (британ варианты) ва [stu:] (америка варианты)”¹⁷.

Инглиз тилидаги фоновариантлар нафақат британча ва американча вариантларнинг фарқини, балки уларнинг ҳар бири ичида мавжуд шеваларнинг ўзига хослигини ҳам кўрсатиши мумкин. Масалан, америкалик ёзувчи Л. Стеффенс “*A boy on horseback* (Отдаги бола)” асарида *horse*-(от) сўзининг нейтрал ([hɔ:rs] британ ва [hɔ:s]америка) вариантлари билан бирга шева варианты *hoss*ни ўз асари матнида қўллаган ва бу билан китобхонларга жонли нутқни етказиш мақсадига эришган. Солиштирамиз: *That`s what I call a hoss, he said to Hjalmar, and I was proud. If he saw one of us or a horse he recognized he shouted the rider`s name, pointed, and, turning, ran his horse for home base.*

Бобнинг учинчи параграфи “Рус, ўзбек ва инглиз тиллари луғатларида от вариативлигининг акс этиши”да луғатларда стилистик белгиларга эга бўлган отларнинг вариантларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Отлар сегмент фоновариантларининг стилистик бўёғини таҳлил қилишда замонавий рус, ўзбек ва инглиз адабий тилларининг бир қатор луғатлари материалдан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Ўрганилаётган материалнинг таҳлили шуни исботлайдики, рус ва инглиз тилларига нисбатан ўзбек тилида фонематик вариантларнинг сони кўп. Шу билан бирга,

¹⁷Домашнев О.А. О лексикографическом отражении американского стандарта английского литературного языка // Лингвистические исследования. 1985. Структура языка и языковые изменения. –М.: Наука, 1985. – С. 70-79.

хар бир тилнинг типологик хусусиятлари вариантларнинг турлари ва турларининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Шундай қилиб, отларнинг фоновариантларидаги луғат пометаларининг эскириши, услубий бўёкнинг ўзгартириши, кейин қайта активлашиши, услубий бетараф бўлиб қолиши мумкин бўлган сўзларнинг талаффуз вариантларининг ишлаш ва рақобатлашиш жараёнини акс эттиради. Бу эса табиий ҳол сифатида эътироф этилиши лозим, чунки сўз талаффузининг вариантлари тил меъёрлари ва умуман тил қоидалари доирасида юзага келади ва фаолият кўрсатади.

Учинчи боб “Рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги отларнинг сегментли фоностилистикаси” деб номланган. Бобнинг “Рус тилидаги отларнинг сегментал фоностилистик хусусиятлари” номли биринчи параграфида рус тилидаги отларнинг талаффуз вариантларини стилистик бўёғини сифатли ва миқдорий таҳлил қилиш натижалари “Рус тилининг изоҳли луғати” С.И. Ожегова ва Н.Ю.Шведова (М., 2007) - [СОШ]¹⁸ га таянган ҳолда ўрганилади. Ушбу луғатда фоностилистик талаффуз вариантлари мавжуд отларнинг умумий сони 180 (100%). Уларнинг 111 (61,3%) талаффузи стилистик нуқтаи назардан нейтрал ва тенгдир. Отларнинг талаффуз жуфтликларининг 70 фоизида фоновариантлардан бири стилистик бўёкга эга. Рус тилидаги от сегмент фоностилистик вариантларини статистик ҳисоблаш ва таҳлил қилиш натижасида умумий ҳисобда 180 та эканлиги аниқланди, улар бирлик шаклида – 98 тани; кўплик шаклида – 82 тани ташкил этди. Масалан: бирликда *желатин-желатина*, кўпликда *бакенбарды-бакены-баки* ва ҳ.к.

Рус тилида отларнинг сегмент фоновариантлари род категорияларида бирлик ва кўплик шаклида намоён бўлади. Масалан: *каратэист–каратист; песня–песнь* (устар. и высок.), *веер* (мн.ч. *веера – вееры* (устар.)); *сахар*, мн.ч. *сахары* (спец.) – *сахара* ва ҳ.к. Рус тилидаги отларнинг сегментли фоностилистик вариантлари орасида родлар категориясида фарққилувчи фоновариантлар гуруҳини қайд этиш мумкин ва улар жонли нутқда параллел равишда бирлик шаклида қўлланилади. Масалан: *жираф–жирафа, злыдень–злыдня* (прост.), *ярем* (стар.)– *яρμο* ва ҳ.к. Бунга ўхшаш жиҳат рус тилидаги отларнинг кўплик кўринишидаги сегмент фоновариантларида ҳам кузатилади. Масалан: *саами – саамы, бакенбарды – баки* ва ҳ.к.

Рус тилида отлар фоновариантларининг род категорияси алмашилиши ва нутқда бир вақтнинг ўзида ҳам бирлик, ҳам кўплик шаклида фаол ишлатилиши кузатилади. Рус тилида отлар фоновариантларининг родлар шаклини ўзгаришига эга бирлик кўринишини 23 та мисолда ва кўплик шаклида ўзгаришини – 2 та мисолда кузатиш мумкин. Масалан: *сайгак – сайга, филей – филе* ва ҳ.к. Рус тилида биз аниқлаган отлар сегмент фоновариантларининг 180 тасидан жонли от категориясига 38 таси, жонсиз от категориясига эса 142 таси тўғри келди. Масалан: *кто?(ким?) акушер–*

¹⁸ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. –М.: Азбуковник, 2007. – 944 с.

